

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 12 июль, № 135 (5302) • Сешанба


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

# ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ЎСМИРЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

1. Футбол бўйича ўн етти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Мексикада ўтказилган 2011 йилги жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этиб, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшгани, истиқлол даврида вояга етган баркамол авлодимизнинг энг ёрқин фазилатларини яққол намоён этгани учун қуйидагилар «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони билан мукофотлансин ва иловага мувофиқ моддий рағбатлантирилсин:

**Талипджанов Аскар** — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси делегацияси раҳбари
**Евстафеев Алексей** — терма жамоа бош мураббийи
**Мусаев Ахмаджон** — терма жамоа катта мураббийи
**Рошин Алексей** — терма жамоа мураббийи
**Исмаилов Муродбек** — терма жамоа мураббийи
**Мехмонов Рустам** — терма жамоа шифокори
**Шамсутдинов Руслан** — терма жамоа массажисти
**Ризаев Санжар** — терма жамоа матбуот котиби
**Холмуродов Ғанишер Рўзи ўғли** — терма жамоа дарвозабони
**Абдулжалилов Абдумавлон Абдуқодир ўғли** — терма жамоа дарвозабони
**Смородин Сергей Дмитриевич** — терма жамоа дарвозабони
**Рахманов Сардор Ғафур ўғли** — терма жамоа ҳимоячиси
**Мирабдуллаев Жавлон Мамуржон ўғли** — терма жамоа ҳимоячиси
**Убайдуллаев Мухсинжон Хамидулло ўғли** — терма жамоа ҳимоячиси
**Жўрабаев Мирзамурод Тўравой ўғли** — терма жамоа ҳимоячиси
**Хайдаров Равшанжон Йигитали ўғли** — терма жамоа ҳимоячиси
**Мансуров Асилжон Ҳусан ўғли** — терма жамоа ҳимоячиси
**Асқаров Хасан Акбаржон ўғли** — терма жамоа ҳимоячиси
**Махсталиев Аббосбек Мухаммадалиевич** — терма жамоа ярим ҳимоячиси
**Сабирходжаев Сардор Сабитжон ўғли** — терма жамоа ярим ҳимоячиси
**Ярбеков Давлатбек Рустам ўғли** — терма жамоа ярим ҳимоячиси
**Давлатов Бобир Баходир ўғли** — терма жамоа ярим ҳимоячиси
**Муратов Азизбек Раджаб ўғли** — терма жамоа ярим ҳимоячиси
**Холмуродов Холмурод Сайриддин ўғли** — терма жамоа ярим ҳимоячиси
**Усманхожаев Диор Ойбекович** — терма жамоа ярим ҳимоячиси
**Хакимов Тимур Рафаильевич** — терма жамоа ҳужумчиси
**Хакимов Жасурбек Баротович** — терма жамоа ҳужумчиси
**Камолов Нодирхон Равшан ўғли** — терма жамоа ҳужумчиси
**Ўринбоев Забиҳилло Бахтиёр ўғли** — терма жамоа ҳужумчиси

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон Футбол федерацияси билан биргаликда мукофотларни Олимпия шон-шуҳрати музейида тантанали равишда топширилишини таъминласин.

3. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 11 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 июлдаги Ф-3675-сонли фармойишига
ИЛОВА

**«LACETTI» автомашинаси билан:**

**Евстафеев Алексей** — терма жамоа бош мураббийи
**Мусаев Ахмаджон** — терма жамоа катта мураббийи

**«SPARK» автомашинаси билан:**

**Холмуродов Ғанишер Рўзи ўғли** — терма жамоа дарвозабони
**Рахманов Сардор Ғафур ўғли** — терма жамоа ҳимоячиси
**Мирабдуллаев Жавлон Мамуржон ўғли** — терма жамоа ҳимоячиси
**Убайдуллаев Мухсинжон Хамидулло ўғли** — терма жамоа ҳимоячиси
**Хайдаров Равшанжон Йигитали ўғли** — терма жамоа ҳимоячиси
**Мансуров Асилжон Ҳусан ўғли** — терма жамоа ҳимоячиси
**Махсталиев Аббосбек Мухаммадалиевич** — терма жамоа ярим ҳимоячиси
**Сабирходжаев Сардор Сабитжон ўғли** — терма жамоа ярим ҳимоячиси
**Ярбеков Давлатбек Рустам ўғли** — терма жамоа ярим ҳимоячиси
**Давлатов Бобир Баходир ўғли** — терма жамоа ярим ҳимоячиси
**Муратов Азизбек Раджаб ўғли** — терма жамоа ярим ҳимоячиси
**Холмуродов Холмурод Сайриддин ўғли** — терма жамоа ярим ҳимоячиси
**Хакимов Тимур Рафаильевич** — терма жамоа ҳужумчиси

# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

***Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 6 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, жойларда энг улуғ, энг азиз байрамимизни муносиб кутиб олишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Айни пайтда ўтган йигирма йилда юртимизда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари сарҳисоб қилиниб, турмушимиздаги янгиланишлар, одамларнинг онгу шууридаги, тафаккуридаги ўзгаришлар, маънавий юксалиш ва маданий баркамоллик сари қўйилган дадил қадамларнинг натижалари таҳлил этилаётир.***

***Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Муса ЕРНИЯЗОВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:***

# ҚОРАҚАЛПОҚ ДИЁРИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

— Президентимиз Ислом Каримовнинг "Қорақалпоқ деганда, бу заҳматкаш халқнинг ўзига хос хусусиятлари, элни эл, юртни юрт қиладиган фазилатлари ҳақида гапирганда, аввало, бизнинг кўз олдимизда ўзининг узоқ тарихи давомида кўп азоб-уқубат, қирғин-қатағонларни бошидан кечирган, қанча-қанча оғир йўлларни босиб ўтган, чидамли ва бағрикенг, мард ва матонатли бир халқ сиймоси пайдо бўлади", деган сўзларини қорақалпоқ элига берилган юксак баҳо деб билган, келажакка қатъий ишонч билан яшаётган Оролбўйи аҳли ҳам Ватанимиз мустақиллигининг шонли 20 йиллик байрамини муносиб кутиб олмоқда.



Истиқлол туфайли Қорақалпоғистон диёрида рўй берган янгиланишлар, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, одамларнинг тафаккури ва турмушида содир бўлган ижобий ўзгаришлар ҳақида гапирар эканмиз, буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган улкан ислоҳотлар, бетимсол бунёдкорлик ишлари самараси эканини мамнуният билан эътироф этамиз.

Ўтган йигирма йил мобайнида эришган ютуқларимиз шаҳар ва қишлоқлар, овулларимизнинг тобора кўркамлашиб бораётган қиёфасида, ишлаб чиқариш салоҳиятининг изчил юксалаётганида, янги-янги иншоотлар — ишлаб чиқариш корхоналари, замонавий касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва мактаблар, спорт мажмуалари, тиббиёт муассасаларининг ишга туширилаётганида яққол намоён бўлмоқда.

Қорақалпоғистон ҳудудидаги Туроққалъа, Аёзқалъа, Қаватқалъа, Миздакхон каби ўнлаб қадимий обидалар халқимизнинг илдизи нақадар чуқур эканидан далолат беради. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, кимки қорақалпоқ элининг беғубор қалбини, асрий орзу-армонлари, интилишларини билмоқчи, англаб етмоқчи бўлса, унинг ақл-заковати билан яратилган "Қирққиз" ва "Шаҳриёр" каби ўлмас достонларга, Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ сингари улкан шоирларнинг таъсирчан асарларига мурожаат қилса, ўзи учун кўп-кўп маъно топади.

Ватанимиз тарихининг, келажагининг узвий бўлаги ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикаси истиқлол йилларида нафақат маънавий жиҳатдан юксалди, балки саноати ривожланган, иқтисодий салоҳияти йил сайин ўсиб бораётган йирик индустриал минтақага айланди.

Ҳозир қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш билан бирга, кимё саноати, электроэнергетика, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати жадал ривожланмоқда. Буни кейинги ўн йил ичида ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 108 фоизни, 2010 йилда бу кўрсаткич 110 фоизни, жорий йилнинг дастлабки чорагида эса 114,9 фоизни ташкил этганидан ҳам кўриш мумкин.

(Давоми 2-бетда).






***Ўзбек ва озарбойжон халқлари тарихида ўзаро дўстлик алоқалари кенг қамровлилиги ва мустаҳкамлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.***

# «БОБУРНОМА» ОЗАРБОЙЖОН ТИЛИДА

**Тақдимот**

Бинобарин, мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида шоир, олим ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон адабиёти хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган "Бобурнома" асарининг озарбойжон тилига ўгирилиб, чоп этилиши халқларимиз ўртасидаги маданий муштаракликнинг яна бир ёрқин исботи бўлди. Маълумки, Шарқ ва Ғарб олимларининг диққат-эътиборини оҳанрабодек ўзига тортиб келаётган мазкур асар Марказий Осиё мамлакатлари, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Эрон халқлари тарихи, этнографияси, табиатини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилаётир.

Шу билан бирга, Бобур Мирзонинг бизгача етиб келган ҳамда жаҳоннинг машҳур кутубхоналарида сақланаётган "Мубаййин", "Аруз рисоласи", "Хатти Бобурий", "Рисолаи волидия" сингари илмий ва бадиий асарлари тарихимизнинг мумтоз намуналари сифатида барчамизга фахр-ифтихор бахш этмоқда.

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида улуғ аждодларимизнинг қадамжолари обод ва қутлуғ зиёратгоҳларга айлантирилди, уларнинг бебаҳо мероси эъзозланиб, қадр топди. Ёшларимизнинг тафаккур ва кўнгил мулки бўлиб янада юксалди.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда "Бобурнома" испан, араб, хитой, турк ва рус тилларига ўгирилди. Яқинда эса ушбу асар Озарбойжон миллий фанлар академияси фольклор институти олими, филология фанлари доктори, профессор Рамиз Аскер томонидан таржима қилиниб, Бокуда нашр этилди.

(Давоми 2-бетда).

**Дил сўзи**

***Президентимизнинг куни кеча матбуотда эълон қилинган "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармони, бир меҳнат фахрийси сифатида қўлимни кўксимга қўйиб айтаманки, бутун юртимиз аҳлига чексиз қувонч бағишлади.***

# ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Чунки дунёнинг кўплаб давлатларида молиявий-иқтисодий инқироз таъсири ҳамон яққол сезилиб турган, ишсизлик кучайиб бораётган пайтда бу ҳужжатнинг қабул қилиниши аҳолига ғамхўрликнинг чинакам амалий ифодаси бўлди.

Давлатимиз раҳбари "Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, балки инсон ва унинг манфаатлари учун" дея такрор-такрор таъкидлайдилар. Бунинг нечоғлик ҳаққонийлигига Истиқлол йилларида ўз ҳаётимиз мисолида гувоҳ бўлиб турибмиз: айнан аҳолининг даромадларини муттасил ошириш,

(Давоми 2-бетда).

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

***Тошкентда «Инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, мамлакатда фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришнинг муҳим вазифаси» мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Адлия вазирлиги, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамда Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жамғармаси кўмагида ташкил этилди.

Давра суҳбатида Германия, Латвия, Жанубий Корея мамлакатлари, ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси мутахассислари ҳамда экспертлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирликлар, идоралар, илмий ва таълим муассасаларининг мутасадди ходимлари қатнашди.

(Давоми 3-бетда).

***Мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда қонун устувор бўлган, инсон ва унинг манфаатлари олий қадрият сифатида эътироф этилган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида изчил ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда.***

# ҚОНУН ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ

## парламент назорати шаклларидан самарали фойдаланишга бевосита боғлиқдир

**КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар**

Айниқса, юртимизда профессионал парламентни шакллантириш, унинг ижро ҳокимияти фаолияти устидан назорат қилиш ваколатларини кенгайтириш, мамлакатни янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда жамиятни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга қаратилган кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди.

Мамлакатимизда парламент эшитувини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Жумладан, парламент эшитувига оид нормалар давлатимиз Конституцияси, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларида белгилаб берилган.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси 2011 йил 15 июль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биносида соат 11.00 да бошланади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ ВА СЕНАТИ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисига келган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари 2011 йил 14 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биносида соат 9.00 дан 18.00 гача рўйхатдан ўтказилади.

# ҚОНУН ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ

## парламент назорати шаклларидан самарали фойдаланишга бевосита боғлиқдир

(Давоми. Боши 1-бетда).

Чунончи, Асосий Қонунимизда парламент назоратининг конституциявий асослари, унинг энг муҳим шакллари ўз ифодасини топган. Масалан, Конституциянинг 80-моддасида Сенатнинг мутлақ ваколати сифатида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш белгиланган. Бу ваколат, табиийки, мазкур тузилмалар фаолияти устидан мунтазам парламент назоратини олиб бориш, шунингдек, уларнинг фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлашда қўл келаётир.

Маълумки, қонунларга риоя қилиш ва уларни тўлиқ ижро этиш, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларини ҳаёт талаблари билан уйғунлаштириб боришда Олий Мажлис палаталари томонидан амалга ошириладиган парламент назорати муҳим амалий аҳамият касб этади. Зотан, парламент назорати давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини сақлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишнинг муҳим кафолатларидан биридир.

Бугунги кунда ривожланган давлатлар парламентлари фаолиятида парламент назоратининг турли шакллари кенг қўлланилади. Чунончи, парламент сўрови, парламент эшитуви, депутат сўрови, парламент тергови, дебатлар (баҳслар), ишончсизлик вотуми, давлат бюджети ижроси устидан олиб бориладиган молиявий назорат ана шулар жумласидандир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, парламент эшитуви қонун чиқарувчи орган ёки унинг палаталари, қўмиталари мажлисларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, ҳукумат аъзолари мансабдор шахсларининг Олий Мажлис ваколатлари доирасига кирувчи масалалар бўйича ахборот ёки ҳисоботларини эшитишга қаратилган парламент фаолиятининг алоҳида муҳим йўналиши ҳисобланади. Унинг аҳамияти шундаки, бу институт орқали давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мансабдор шахсларнинг қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя қилиш масъулияти ҳамда мажбурияти янада ошади.

Таъкидлаш жоизки, 2011 йил 19 апрелдан кучга кирган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Қонун парламент назоратини янги босқичга олиб чиқишда, унинг таъсири ва самарадорлигини оширишда айни муддаодир. Чунончи, Асосий Қонунимизнинг 78-моддаси 15-бандига киритилган қўшимча орқали мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг биргаликдаги ваколатлари доирасига киритилди. Бу эса Бош вазир ва у орқали ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан парламент назоратининг муҳим механизмини яратди. Эътиборли жиҳати, шу вақтгача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари Вазирлар Маҳкамасининг муайян аъзосини ўзи раҳбарлик қилаётган давлат ёки хўжалик бошқаруви органи фаолияти юзасидан ахборотини эшитишлари мумкин бўлган бўлса, эндиликда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати Бош вазирнинг ҳисоботини эшитиш ва муҳокама қилиш ваколатига ҳам эга бўлди. Натижада жамият ҳаётида ҳукуматнинг масъулияти сезиларли даражада ошди.

Бундан ташқари, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида"ги Қонуннинг 31-моддасида Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш, уни кўриб чиқиш вақтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи, масъул қўмитанинг хулосасини эшитиш, муҳокамадан ўтказилиши ва тегишли қарор қабул қилиниши, 33-моддасида эса ҳар йили ўз мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини эшитиш, шунингдек, Қонунчилик палатасининг мажлисида Ҳукумат аъзоларининг фаолияти масалалари юзасидан уларнинг ахборотини эшитиш ваколатлари белгиланган.

Шу билан бирга, парламент эшитувини амалга оширишда Олий Мажлис палаталари қўмиталари ҳам алоҳида ўринга эга. Хусусан, улар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг қонунларга қандай риоя этаётгани, палата қўмиталари қарорлари қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ахборотларини эшитиши назарда тутилган. Бу эса амалдаги қонунлар ижроси устидан парламент назоратининг сифати ва самарадорлигини янада ошириш имкониятларини кенгайтиради.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасида депутат, сенатор палатага ҳисобдор ёки унинг назорати остидаги ҳар қандай орган ёхуд мансабдор шахснинг ҳисоботи ёки ахборотини палата мажлисларида эшитиш тўғрисида таклиф киритишга, шунингдек, қонунларнинг ижро этилишини, палата қарорларининг бажарилишини текшириш ҳақида кўриб чиқилиши учун масалалар таклиф этишга ваколатли эканлиги белгиланган. Бугунги кунда Олий Мажлис палаталари мана шу асосларга суянган ҳолда, парламент эшитувини изчил амалга ошириб келмоқда. Жумладан, БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини Ўзбекистонда амалга оширишнинг бориши ҳақида бўлиб ўтган парламент эшитуви мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги ислоҳотларни ҳамда демократик ўзгаришларни янада такомиллаштиришнинг самарали йўлларини аниқлаш мақсадида ташкил этилди. Шунингдек, 2011 йилнинг март ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг "Ўзбекистонда дастурий таъминот индустриясини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги масала бўйича ахбороти юзасидан ўтказилган парламент эшитувида ахборот технологиялари бозорининг муҳим қисми бўлган дастурий таъминот индустриясини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг мақбул йўлларини муҳокама қилиш ҳамда мамлакатимиз дастурий маҳсулотлар индустриясини ривожлантиришнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш юзасидан муҳим таклифлар ишлаб чиқилди.

Хулоса қилиб айтганда, парламент назоратига мамлакатимизда қабул қилинган ҳуқуқий база давлат ҳокимияти субъектлари ўртасида ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини, пировардида улар фаолиятида қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Парламент эшитуви институти орқали мамлакатда қонунлар ижросида йўл қўйилаётган нуқсонлар ўз вақтида бартараф этилмоқда, амалдаги қонунлардаги камчиликлар аниқланиб, уларга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритилаяпти. Буларнинг барчаси парламент назорати институтларидан самарали фойдаланиш нечоғли катта аҳамиятга эга эканлигидан далолатдир.

**Нодир МУХТОРОВ,**
**Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими.**

# «БОБУРНОМА» ОЗАРБОЙЖОН ТИЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Замонавий матбаачиликнинг илғор усулларида чоп этилган, маҳорат билан ишланган расмлар, нақшинкор чизмалар билан безатилган "Бобурнома" озарбойжон халқининг ҳурмат ва эҳтироми сифатида Президентимизга совға қилинди. Юртбошимиз мазкур нодир асарни Андижондаги "Бобур ва жаҳон маданияти музейи"га ҳадя қилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда таниқли олимлар, шоир ва адиблар, фан ва маданият намояндалари, ёш тадқиқотчилар, талаба ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди. Унда "Бобурнома"нинг тарихий-илмий аҳамияти, миллий давлатчилигимиз тарихи, Ўзбекистон ва Озарбойжон адабий жамоатчилигининг дўстона алоқалари ҳамда Халқаро Бобур жамғармаси ва илмий экспедицияси томонидан амалга оширилган ишлар хусусида сўз юритилди. Шунингдек, бу асар дўстлик ва бирдамлик алоқаларини мустаҳкамловчи ҳамда умумбашарий қадриятларни улуғловчи бебаҳо манба бўлиб хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов, Андижон вилояти ҳокими А. Усмонов иштирок этди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «ЎЗБЕКИСТОН – ИҚТИСОДИЁТИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТДИР»

***Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами арафасида чет эл мамлакатларининг давлат арбоблари, сиёсий-ижтимоий, эксперт-таҳлилчи доиралари вакиллари юртимизда эришилаётган улкан муваффақиятлар хусусида ўз фикрларини билдиришмоқда.***

**Латвиянинг Европарламентдаги депутати Инесса Вайдере** Ўзбекистон қисқа тарихий давр мобайнида юксак ютуқларни қўлга киритганини қайд этди.

"Бугунги кунда Ўзбекистон саноат объектларини қуриш ва модернизация қилишда илғор технологиялардан фойдаланаётган, муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этаётган, ўзининг келгуси тараққиётини таъминлаш мақсадида таълим тизимида ислоҳотларни изчил олиб бораётган, иқтисодиёти жадал суръатларда ривожланиб бораётган салоҳиятли мамлакатдир", дея таъкидлади у, жумладан.

И. Вайдере хоним ўзининг Ўзбекистонга бир оз аввал қилган сафари чоғида Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги ажойиб ҳамда улуғвор тарихий иншоотларни кўриб, ҳайратга тушганини айтди.

— Мен Ўзбекистон бой сайёҳлик салоҳияти, ривожланган инфратузилмаси, хусусан, муҳташам ва замонавий халқаро аэропортларга эга эканлигига амин бўлдим, — деди у.

И. Вайдере хоним Ўзбекистоннинг минтақада барқарорлик ва тинчликни таъминлаш борасидаги ўрнини юқори баҳолар экан, мамлакатимизнинг Афғонистондаги 30 йилдан зиёд вақт мобайнида давом этиб келаётган ҳарбий зиддиятларни ҳал қилишдаги улкан ҳиссасини алоҳида қайд этиб ўтди.

**Дунё нигоҳи**

У Ўзбекистоннинг афғон муаммосини фақатгина ҳарбий йўл билан ечиб бўлмаслиги борасидаги нуқтаи назарини тўла қўллаб-қувватлади ҳамда Ўзбекистоннинг мазкур жафокаш мамлакатда тинчлик ўрнатиш масаласини ҳал этишда унга қўшни давлатлар, шунингдек, Россия, АҚШ ва НАТО иштирокида музокаралар ўтказишга оид ташаббусига урғу берди.

И. Вайдере хоним Ўрта Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари ҳақида ҳам тўхталиб, "Трансчегаравий дарёларда Роғун ГЭСи каби улкан гидроиншоотлар қурилиши масаласи жуда диққат билан синчиклаб ўрганишни талаб қилади", дея таъкидлади.

Унинг фикрича, бу сингари лойиҳалар ГЭСнинг атроф-муҳитга таъсири ҳақида холисона баҳо бера оладиган мустақил халқаро экспертизадан ўтказилиши лозим. И. Вайдере хоним, шунингдек, Ўрта Осиёнинг трансчегаравий дарёларида қурилиши мўлжалланадиган иншоотларнинг лойиҳа ишларини олиб боришда сейсмик хавфсизлик, тупроқ таркиби ва шу каби бошқа зарур омилларни инобатга олиш кераклигига эътибор қаратди.

Европарламент депутати И. Вайдере хоним бутун Ўзбекистон халқини Мустақиллигимизнинг яқинлашиб келаётган 20 йиллик шодиёнаси билан табриклаб, юртимизда доимо тинчлик ва фаровонлик бўлишига тилакдош эканини билдирди.

**«Жаҳон» АА.**
Брюссель

**Июль-август — ҳосил тақдирини ҳал қилувчи ой**

# БАРАКАЛИ ХИРМОН КАФОЛАТИ

***Қишлоқ хўжалигида ҳар бир йил ўзига хос жиҳатларга эга бўлади. Хусусан, жорий деҳқончилик йилида сув тақчиллиги кузатилаяпти.***

Бундай паллада илм-фан ютуқлари ва илғор тажрибалардан оқилона фойдаланиш орқалигина вазиятни юмшатиш, қўшимча ишлов бериш, маҳаллий ўғит билан кўпроқ озиқлантириш ҳисобига экиннинг ривожини тезлаштириш, ҳосил тугунчаларини кўпайтиришга эришиш мумкинлигини асл деҳқон яхши билади.

Гапнинг сирасини айтганда, экинларимизнинг ривожи чакки эмас. 54 гектар майдондаги ғўзаларни ҳозирга қадар бир карра суғориб, қатор ораларига 5-6 мартадан ишлов бердик. Ниҳолларни 2 марта маъданли, бир марта маҳаллий ўғит билан озиқлантирдик. Айниқса, эгатларда намликни узоқроқ сақлаш мақсадида ҳар гектар майдонга 4 тоннадан ошириб маҳаллий ўғит солганимиз ўз самарасини кўрсатаяпти.

Маълумки, ғўза парвариши кучайган ҳозирги кунда сувчи ва механизаторларнинг ҳосилнинг чинакам жонкуяри, унинг тақдирини ҳал қилувчи кучга айланиши катта аҳамиятга эга. Бизга ажратилган сувнинг ҳар литридан омилкорлик билан фойдаланиш ниятида сувчилар сонини икки марта кўпайтирдик. "МТЗ-80" тракторини моҳирона бошқараётган механизатор Набижон Турсуновнинг ишидан ҳам кўнглимиз тўқ. У культиватор ишчи органларини "балиқ сирти" қилиб ўраган ҳолда, шона, гул ва кўсакларга шикаст етказмай, ғўза қатор ораларини сифатли юмшатаяпти.

Куни кеча июль-август ойларида амалга ошириладиган ишларимизни яна бир карра режалаштириб олдик. Шунга кўра, қатор ораларига қўшимча 3 марта ишлов бериб, экинни шунча марта сувга қондирамиз. Суғоришда пайкаллар четида қазилган чуқурларда тайёрланган "шарбат"дан кенг фойдаланамиз. Зеро, бу йилги сув тақчиллигини енгишда мазкур усулни қўллаган деҳқон ҳар жиҳатдан ютади.

Дарҳақиқат, пахтакор учун кузда кўтарилажак хирмонга мустаҳкам замин яратадиган кунларнинг ҳар дақиқаси олтинга тенг. Бу дамларни қадрлаган фермер, албатта, муродига етади. Бизнинг мақсадимиз эса битта: у ҳам бўлса, ишловни имкон борича кучайтириб, ҳосил тугунчаларини янада кўпайтириш. Бу эса, ишонамизки, гектар ҳисобига 40 центнердан пахта етиштириш юзасидан олган шартномавий мажбуриятимизни ёруғ юз билан уддалашимизга пухта замин яратади.

**Рустам ҚОЗОҚОВ,**
**Наманган туманидаги «Тошпўлат ота РБД» фермер хўжалиги раҳбари.**

# ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳаёт даражасини юксалтириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли турмушимиз тобора фаровонлишиб бораётир. Масалан, Юртбошимиз ўтган 2010 йилда аҳолининг реал даромадлари 23,5 фоизга ошгани, жорий йилда эса бу борадаги ўсиш бундан кам бўлмаслигини алоҳида қайд этган эдилар. Янги Фармон эса бунинг ёрқин исботи, энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг қутлуғ 20 йиллиги арафасида халқимизга муносиб тухфадир.

Албатта, аҳолининг даромадларини ошириш, ижтимоий муҳофазасини кучайтириш ўз-ўзидан бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, республикамизнинг барча ҳудудларида иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётир. Бунинг самараси ўлароқ, ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиши таъминланиб, шаҳар ва қишлоқларимизда бунёдкорлик ишларини изчил давом эттириш, замонавий корхоналарни фойдаланишга топшириш, янги иш ўринларини ташкил этишга муваффақ бўлинмоқда. Атайлаб қизиқиб кўрдим, шу йилнинг биринчи чорагида жойларда 219 мингта иш ўрни яратилибди. Шунинг ўзиёқ жуда кўп нарсани англатмайдими?

Биз, кексалар дуога қўл очганимизда, Яратгандан доимо юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлишини, мана шундай дориламон кунларга ҳеч қачон кўз тегмаслигини сўраб, барча хайрли ишларнинг раҳнамоси ва ташаббускори Юртбошимизга чексиз миннатдорчилик билдирамиз. Илоҳим, эзгу ниятларимиз ижобат бўлиб, мамлакатимиз иқтисодиёти янада гуркураб ривожланаверсин, сизу бизнинг ҳаётимиз эса бугунгидан-да фаровонлашиб бораверсин.

**Абдулла ЖОВЛИЕВ,**
**меҳнат фахрийси.**
Шаҳрисабз тумани




# ҚОРАҚАЛПОҚ ДИЁРИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Иқтисодиётдаги ўсиш суръатларини саноатнинг жадал тараққий этаётгани, ишлаб чиқариш корхоналарини реконструкция ва модернизация қилиш, айниқса, соҳага инвестициялар жалб этиш туфайли амалга оширилаётган ишлар билан изоҳлаш мумкин. Сўнгги 3 йилда ҳудудга 2 триллион сўм миқдорида инвестиция киритилиб, у ёнилғи ва кимё саноатини ривожлантириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишга йўналтирилди.

Устюрт кенгликлари ва Орол денгизи акваториясида ер ости бойликларини қидириб топиш, уларни халқ манфаатлари йўлида ўзлаштириш учун халқаро инвестицияларни жалб этиш имконияти туғилди. Бугунги кунда Россиянинг "Лукойл" компанияси, "Газпром" акциядорлик жамияти, Малайзиянинг "Петронас Чаригали" компанияси, Кореянинг "KNOC", "KOGAS", "DAEWOO international" компаниялари каби ўнлаб хорижий ҳамкорлар билан биргаликда нефть, газ, углеводород конларини қидириб топиш ва қазиш, мавжуд қудуқларни реконструкция қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Минтақамизда қайта ишлаш корхоналарини янги технологиялар асосида модернизация қилиш натижасида жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилмоқда. 1991 — 2010 йиллар давомида газ ва газ конденсати, хўжалик шиша буюмлари, кунгабоқар ёғи, кальцийланган сода, вермикулит концентрати, талькомагнезит, глицерризин каби янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. "Тўрткўл текстиль", "Нукус текстиль", "Азия силк", "Ориент технолоджи", "Ланэкстракт" каби қўшма корхоналарда пахта, пилла, тери, қизилмия ўсимлиги қайта ишланиб, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Чимбой туманида "Ланэкстракт" қўшма корхонасининг ишга туширилиши муносабати билан экспортнинг умумий ҳажми 2010 йилда 2,4 миллион АҚШ долларига ўсди. Бу кўрсаткич жорий йилда 4 миллион доллардан ошиши кутилмоқда. "Нукус текстиль" корхонасида 25 турдаги болалар трикотаж кийим-кечакларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхона иш бошлаган дастлабки 6 ойда 750 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва шундан 256 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Президентимиз раҳнамолигида Оролбўйида кимё саноатини ривожлантириш сари дадил қадам қўйилди. Қўнғирот сода заводининг ишга туширилиши Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий салоҳиятининг мустаҳкамланишига, экспорт ҳажмининг ошишига, минглаб кишиларнинг иш билан таъминланишига хизмат қилди. Йилига 100 минг тонна кальцийланган сода ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган ушбу корхона бугунги кунда тўла қувват билан ишлай бошлади. Ўтган йили заводда 90,3 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг аксарият қисми экспорт қилинди. Бу йил корхона базасида минерал кукун, селикат ғишт ва кир ювиш воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган қўшма корхоналар ишга туширилиб, юздан ортиқ иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда.

Иқтисодий юксалиш натижасида ҳудуднинг молиявий барқарорлиги таъминланаётир. Агар минтақада 2001 йилда дотация ҳажми 62 фоизни ташкил этган бўлса, 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси бюджети умуман дотациядан чиқарилди. Бунга саноат маҳсулотлари ҳажмининг муттасил ортиши, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ривожланиб бораётгани туфайли эришилди.

Ташқи иқтисодий алоқалар йил сайин ривож топиб бормоқда. Агар 2001 йилда минтақада чет эл инвестицияси иштирокидаги 28 корхона фаолият кўрсатган бўлса, ҳозир уларнинг сони 48 тага етди. Мазкур корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми икки карра кўпайиб, 2010 йилда 58,2 миллиард сўмликни ташкил этди.

Ана шундай ҳамкорлик самараси — замонавий технологиялар асосида чарм ишлаб чиқарадиган "Ориент технолоджи" Ўзбекистон — Кипр қўшма корхонаси жорий йил Наврўз байрами арафасида Нукус шаҳрида ўз фаолиятини бошлади. Йилига 300 минг дона қорамол терисини қайта ишлаб, 4 минг 800 тонна маҳсулот тайёрлайдиган бу корхонада қисқа вақт ичида 500 минг АҚШ доллари миқдорида чарм ишлаб чиқаришга эришилди. Маҳсулотнинг асосий қисми Россия ва Италия сингари давлатларга экспорт қилинмоқда. Келажакда корхонада қўй-эчкиларнинг териларини ҳам қайта ишлашни йўлга қўйиш ва шунинг ҳисобидан яна қўшимча 100 га яқин иш ўрни яратиш кўзда тутилаётир.

Изчил олиб борилаётган ислоҳотлар самарасида Оролбўйи ҳудудида йил сайин саноат ривож топиб, янги-янги корхоналар ишга туширилмоқда. Айни чоғда Қораўзак туманида йилига бир миллион тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонаси қурилиши жадал суръатларда давом этмоқда.

Жаҳон андозалари даражасида бунёд этилаётган Ўзбекистон миллий автомагистрали — "Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу" йўлининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан ўтувчи 132 километрлик қисмида бугунги кунда реконструкция ишлари олиб борилаётир. Жорий йилда автомагистрал қурилишида 193 миллиард сўмлик иш бажарилади. Бундай йирик автотрассанинг бунёд этилиши мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг янада юксалишига, экспорт ва импорт имкониятларининг ортишига, халқаро иқтисодий алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Мустақиллик шарофати билан замонавий транспорт коммуникация инфратузилмаси тез суръатларда ривожланиши натижасида автомобилда юк ташиш, шу жумладан, транзит юк ташиш ҳажми 2010 йилда 2005 йилдагига нисбатан 61 фоиз ўсди.

Истиқлол туфайли иқтисодиётнинг барча соҳаларида мулкчиликнинг янги шакллари вужудга келди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 2000 йилда 9 минг 63 тани ташкил этган бўлса, бугун улар 20 мингдан ошиб кетди. Агар 2008 йилда кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш учун 37,7 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 106 миллиард сўмга етди. Шу давр мобайнида кичик бизнес соҳаси ва хусусий тадбиркорларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 26,9 фоиздан 63,6 фоизга ўсди. Ўтган йили яратилган янги иш ўринларининг 84 фоизи ана шу субъектлар ҳиссасига тўғри келади. Бандлик дастурига кўра, аҳолини иш билан таъминлаш учун 2010 йилда 48 минг 329 янги иш ўрни яратилди. Бу 2000 йилдагига нисбатан икки ярим марта кўп демакдир.

Қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракати ривожланиб, маҳсулот етиштириш самарадорлиги ошди. 2001 йилда 43 минг тонна буғдой етиштирган деҳқонларимизнинг хирмони 2010 йилда 201 минг тоннани ташкил этди. Шу даврда сабзавот етиштириш ҳажми 30,7 минг тоннадан 134,2 минг тоннага кўпайди. Ҳосилдорлик 81,7 центнердан 143,8 центнерга ўсди. Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйишга имкон яратди. Сўнгги ўн йил ичида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш кўлами беш баробар ошди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажми ҳам ортиб, паррандачилик, асаларичилик, балиқчиликни ривожлантириш сари дадил қадамлар қўйилди. Эл дастурхонига узлуксиз мўл-кўл озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш таъминланмоқда.

Ижтимоий соҳада амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ҳам ўз самарасини бераётир. Оролбўйида фаолият юритаётган 6 олий ўқув юртида барча соҳалар бўйича малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Бу йил мавжуд 91 касб-ҳунар коллежини 29 минг 333 нафар йигит-қиз битириб, мустақил ҳаётга йўлланма олди. Давлат дастури асосида 264 умумтаълим мактаби капитал таъмирланган бўлса, 76 мактаб замонавий лойиҳа асосида янгидан қурилди. Шунингдек, 8 та академик лицей ва 37 та касб-ҳунар коллежи, 139 та қишлоқ врачлик пункти янгидан барпо этилди, 56 та болалар спорт иншооти фойдаланишга топширилди.



Ҳудудда аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис, бугунги кунда хонадонларнинг 100 фоизи электр энергияси, 95 фоизи табиий газ, 70,9 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминланди.

Мустақиллик самарасини ҳар бир қадамда сезиш мумкин. Айниқса, олис овулларнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб бораётгани катта ютуғимиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, қишлоқ аҳолиси учун намунавий лойиҳалар асосида замонавий уйлар қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Мазкур замонавий қишлоқ уй-жойлари ва ижтимоий аҳамиятга молик иншоотлар қурилиши учун қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмонзорлар фондига кирмайдиган захирадаги майдонлардан 42 ер массиви ажратилди. Бу ерларда 2009 — 2010 йилларда 260,5 миллиард сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Дастлаб намунавий лойиҳалар бўйича Нукус туманидаги Саманбий, Қўнғирот туманидаги Гулистон, Кегейли туманидаги Узункўл, Элликқалъа туманидаги Қилчиноқ, Хўжайли туманидаги Ойбек овулларида 100 та тураржой қурилиб фойдаланишга топширилган бўлса, бугунги кунга келиб, Оролбўйида 400 дан ортиқ хонадонларда ҳовли тўйлари нишонланди.

Истиқлол туфайли миллий қадриятларимиз қарор топиб, маданиятимизни ривожлантиришга, маънавиятимизни юксалтиришга кенг имкониятлар яратилди. Кино ва театр санъати муттасил ривож топиб бораётир. Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат мусиқа театри, Сапар Хўжаниёзов номидаги ёш томошабинлар театри, Республика қўғирчоқ театри, "Айқулаш юлдузлари", "Аму тўлқини" сингари ижодий жамоалар халқимизнинг маънавиятини бойитишга хизмат қилиб келмоқда.

Қўлга киритилган бундай ютуқлар, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги улкан лойиҳаларни амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаб, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда. Айни кунларда Оролбўйининг ҳар бир гўшасида истиқлолимизнинг йигирма йиллигини муносиб кутиб олиш ва кўтаринки руҳда тантана қилишга пухта тараддуд кўрилмоқда. Байрам шукуҳи чекка-чекка овулларга, ҳар бир хонадонга кириб бораётир.

**Аминбой ОРТИҚБОЕВ ёзиб олди.**
**Шомурот ШАРАПОВ ва Арслон КАННАЗАРОВ олган суратлар.**

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ — ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистонда истиқлолга эришилгач, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият, деб эълон қилингани таъкидланди. Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган қонун устуворлиги, ҳокимият тармоқларини тақсимлаш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш тамойиллари шу мақсадда босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга ошириб келинаётган кенг кўламли туб ўзгаришлар асосини ташкил этади. Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган аниқ мақсадли ишлар ҳаётимизнинг барча жабҳаларини модернизация қилиш ва янгилаш жараёнларида муҳим ўрин тутмоқда.

Шу муносабат билан давра суҳбати иштирокчилари ўз чиқишларида Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг муҳим вазифалари сифатида узлуксиз таълим ва инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича маърифат, аҳолининг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданиятини оширишнинг ноёб, яхлит тизими яратилганини қайд этдилар. Бу тизимнинг амалда қўлланиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва миллий қонунчилик нормалари билан таъминланмоқда. Ўзбекистон инсон ҳуқуқларига доир 70 халқаро ҳужжатга қўшилган. Президентимиз Ислом Каримовнинг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони ушбу соҳани ривожлантиришда муҳим омил бўлди.

«Таълим тизими ва инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича маърифат давлат ва фуқаролик жамияти, оммавий ахборот воситаларининг фаол иштирокида ривожланмоқда ҳамда такомиллашмоқда, — деди ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Иштван Венцель. — Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган инсон ҳуқуқлари бўйича маданият тушунчасининг янгилик эканини алоҳида таъкидлаш керак. Инсон ҳуқуқлари бўйича маданият янги ҳуқуқий тизимни, давлат ва фуқаролик жамиятининг самарали ўзаро ҳамжиҳатлик тизимини шакллантираётган барча мамлакатлар учун долзарб ҳамда муҳимдир. У инсон ҳуқуқларини таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларни шакллантиришда асосий бўғинга айланиши лозим. Инсон ҳуқуқлари бўйича маданият фуқаролар тафаккури ва кундалик ахлоқининг таркибий қисмига айланиши шарт. Бу жуда муҳим жараён бўлиб, аста-секин содир бўлади ва ҳар бир мамлакатда унинг тарихи ҳамда турмуш тарзини акс эттирадиган ўзига хос хусусиятга эга. Айни пайтда Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилаётган Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастури инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги муҳим ҳужжат ҳисобланади, ЕХҲТ ушбу дастур қабул қилингач, унинг амалга оширилишига кўмаклашишга тайёр».

Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси раҳбари Томас Кунценинг фикрича, «Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини англаши, бу борада муайян билимларга эга бўлиши ҳамда бошқа одамлар ҳуқуқларини ҳам ҳурмат қилиши учун жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш зарур. Бу борада Ўзбекистонда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатингиз раҳбарияти инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, шу мақсадда суд тизимини либераллаштиришга катта эътибор бермоқда. Ўзбекистонда ҳуқуқий маданият ва инсон ҳуқуқлари бўйича маданият муштарак экани ва ҳуқуқий давлатни қуриш учун муҳим аҳамият касб этиши яхши тушунилади».

Давра суҳбати қатнашчилари Ўзбекистон Президентининг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён этилган ва ҳуқуқий таълим ҳамда маърифатни тубдан яхшилашга йўналтирилган ташаббуслари жамиятнинг демократия йўлидан оғишмай изчил бориши, амалга оширилаётган ислоҳотлар муваффақиятини таъминлаш учун алоҳида долзарб ҳамда муҳим аҳамият касб этишини қайд этди. Жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятнинг қарор топишида аҳолида шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишни шакллантириш, қонун устуворлигини, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш катта аҳамиятга эгадир.

Шу муносабат билан Латвия Омбудсмани Юрис Янсонс қуйидагиларни қайд этди: «Мен Ўзбекистон Президенти томонидан ишлаб чиқилган Концепция билан танишиб чиқдим ва уни жамият ҳамда инсон ҳуқуқларини янада ривожлантириш учун асос яратадиган стратегик аҳамиятга эга, чуқур ўйланган дастурий ҳужжат деб ҳисоблайман. Концепцияда белгилаб берилган принципларни юксак баҳолайман, негаки, демократлаштириш жараёни инсон ҳуқуқларидан айри ҳолда кўриб чиқилиши мумкин эмас. Зеро, бу ҳуқуқларнинг таъминланиши демократиянинг асоси ҳисобланади. Ўзбекистонда бу соҳада катта юксалиш бор. Менимча, Ўзбекистон тажрибасидан кўплаб ижобий жиҳатларни олишимиз мумкин. Латвия тажрибаси ҳақида гапирадиган бўлсам, Концепция қоидаларини амалга ошириш нуқтаи назаридан, аввало, давлат тузилмалари ходимлари орасида инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни ошириш муҳимлигини таъкидлашни истардим». Латвия Омбудсмани Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлигини билдирди ва тегишли меморандумни имзолашни таклиф этди.

«Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш йўлидан ишонч билан бормоқда, — деди Конрад Аденауэр номидаги жамғарма эксперти Хайнц Бюллер (Германия). — Бунда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида Ўзбекистон танлаган энг яхши ёндашув, бу — жамиятни изчил маърифатлаштириш ва ўқитиш натижасида инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ҳамда бу бўйича маданиятни шакллантириш ҳисобланади. Бундан ташқари, умуминсоний қадриятлар, одоб-ахлоқ нормаларининг қарор топиши, миллий анъаналарни ҳурмат қилишга фуқаролик жамиятининг маҳалла каби нуфузли институти орқали эришилмоқда. Ўқувчилар, мутахассислар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, сиёсий партияларни инсон ҳуқуқлари бўйича ўқитиш жуда муҳим. Бироқ Германияда бу расмиятчилик хусусиятига эга бўлиб, ушбу соҳадаги халқаро ҳужжатларни тушунтириш бўйича стандарт ўқув дастури билан чекланган. Шунинг учун янги, «норасмий-инновацион» ўқитиш услубларини жорий этиш зарурати мавжуд».

Хорижий экспертларнинг фикрича, Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари миллий ҳаракат дастурининг ишлаб чиқилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш борасида, аввалambор, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан қонунларга риоя қилиниши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга доир кўрилаётган тизимли чора-тадбирларни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаради.

«Ўзбекистон парламенти томонидан Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида миллий ҳаракат дастурининг қабул қилиниши унга алоҳида ҳуқуқий мақом беради ҳамда унинг қоидаларининг барча давлат органлари томонидан амалга оширилишини таъминлайди, — деди Корея Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссияси бошқарма бошлиғи Ин Дук Рью. — Шу билан бирга, унинг бажарилишини назорат қилиш тартиби ва муддатини белгилаш зарур. Жанубий Кореяда бу муддат беш йилни ташкил этади, инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва уларнинг ҳимоя қилинишини назорат этиш Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссиянинг алоҳида ваколати ҳисобланади. Бунинг устига, тегишли ҳаракатлар дастури ўзаро маслаҳатлашув асосида Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда қабул қилинади. Шахс ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни ҳимоя қилиш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантиришда, ушбу соҳадаги билимларни кенг аҳоли қатламларига етказишда оммавий ахборот воситалари, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари катта роль ўйнайди. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳурматга сазовор. Давлатингиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Концепцияда баён этилган ташаббусларнинг амалга оширилиши яқин келажакда ўзининг ижобий натижаларини беради». Ин Дук Рью Корея Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссияси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ўртасида тўғридан-тўғри муносабатларни ўрнатиш имкониятини кўриб чиқишни таклиф қилди.

«Глобаллашув ҳаётимизда иқтисодий, ижтимоий мавҳумликни, шунингдек, демократия қандай амал қилиши, унинг давлат ичида ривожланаётганини қандай назорат қилиш зарурлиги борасида бир оз нотўғри тушунчани юзага келтирди, — деди ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси эксперти Павел Хацук. — Ушбу муаммолар бевосита инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлиб, бугунги кунда улар барча мамлакатлар олдида турибди ва уларни ҳал қилиш лозим. Инсон ҳуқуқлари бўйича маданият, аввалambор, жамиятдаги муҳит билан боғлиқдир. Таълим уни шакллантиришнинг муҳим услуби ҳисобланади. Ўзбекистонда буни яхши англашади. Ушбу соҳада ташкил этилган таълим тизими Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси стандартларига жавоб беради. Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурининг қабул қилиниши жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни қарор топтиришда муҳим қадам бўлади. Европа мамлакатларида бундай миллий дастурларни ишлаб чиқиш жараёнига фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва ўқув юртларининг инсон ҳуқуқлари бўйича ўқитиш масалаларида ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда».

Очиқ ва ошкоралик, ўзаро манфаатли мулоқот, фикр алмашиш руҳида ўтган давра суҳбатида унинг иштирокчилари Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён этилган бу борадаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда демократияни ривожлантиришда янги босқич бўлиб хизмат қилади, деган хулосага келдилар. Хорижлик экспертлар мамлакатимизнинг ўзига хос тажрибаси ва давлатимиз раҳбарининг бу борадаги янги ташаббуслари бошқа давлатларда демократлаштириш жараёнларини такомиллаштириш учун муҳим асос бўлиши мумкинлигини алоҳида таъкидлади.

Тадбир қатнашчилари унинг доирасида ташкил этилган, истиқлол йилларида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича чоп этилган ҳуқуқий адабиётлар кўргазмаси билан ҳам танишдилар.

Шунингдек, давра суҳбати иштирокчиларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Омбудсман котибияти ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида учрашувлари бўлиб ўтди.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Реклама ва эълонлар

# ЙЎЛОВЧИ МАНФААТИ — ҲАМИША УСТУВОР

***Тошкент вилояти мамлакатимизнинг йирик маъмурий ҳудудларидан бири бўлиб, унинг транспорт магистраллари пойтахтимизни барча ҳудудлар билан боғлаб турадиган асосий бўғин ҳисобланади.***

***Бугунги кунда бу ерда транспорт хизмати кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган амалий чора-тадбирлар изчил татбиқ этилаётир. Табиийки, соҳада юз бераётган янгиланишлар “Тошвилтранстерминал” ассоциацияси фаолиятини сифат жиҳатидан яхшилаш, хизматлар кўламини кенгайтириш имконини яратмоқда.***

Шу ўринда Президентимизнинг махсус қарорига асосан, Тошкент вилояти ҳокимлигининг барча турдаги йўловчи транспортларини лицензиялаштирувчи ва уларнинг ҳаракатини мувофиқлаштирувчи департаменти тузилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу йўловчи ташиш транспорти ишининг самарадорлигини ошириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш имконини берди. “Тошвилтранстерминал” ассоциациясининг шахсий ташувчилар билан ҳамкорлиги натижасида банкларга нақд пул тушуми кўпая бошлагани шундай дейишимизга асос бўла олади. Агар департамент фаолиятини бошлаган 2007 йилда банкка 9,2 миллиард сўм нақд пул топширилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 25,1 миллиард сўмни ташкил этди. Ушбу маблағнинг 16,8 миллиард сўми, яъни 66,9 фоизи бевосита ассоциация ташувчиларининг улушидир.

Ассоциация таркибида уч мингдан зиёд ҳаракатланувчи техника, 55 та йўловчи ташиш корхонаси мавжуд бўлиб, улар 276 та, жумладан, 205 та шаҳар атрофи, 32 та шаҳар, 39 та шаҳарлараро йўналишда хизмат кўрсатмоқда.

Автокорхоналарнинг техника парки замонавий транспорт воситалари билан мунтазам равишда бойиб бораётгани ҳам диққатга сазовор. Мавжуд 757 та йўловчи ташувчи транспортнинг 596 таси “Исузу” русумидаги барча қулайликка эга автобус эканлиги бунинг яққол далилидир. Жорий йил охиригача яна 50 та ана шундай автобус, олтита самосвал, шунингдек, такси хизматини ташкил этиш мақсадида “Нексия” автомобилларини сотиб олиш режалаштирилган. Бундан ташқари, вилоятлараро ва халқаро йўналишлар бўйича йўловчи ташишга мўлжалланган замонавий 20 та автобус келтириш кўзда тутилган.

Таъкидлаш керакки, автобекатларни ободонлаштириш ишлари ҳам доимо эътиборда. Яқинда “Олмалиқ” ва “Чирчиқ” автобекатлари, “Оҳангарон” ва “Янгибозор” автостанциялари йўловчилар эҳтиёжи ҳисобга олиниб, қайта реконструкция қилинди. Йил охиригача “Пскент” ва “Ғазалкент” автостанциялари ҳам ободонлаштирилади.

Албатта, хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланиши баробарида, аҳолининг ассоциация хизматига бўлган талаби ҳам ошиб бораяпти. Бу, ўз навбатида, даромаднинг кўпайишини таъминлаяпти. Жорий йилнинг беш ойида 10,2 миллиард сўм даромад олиниб, мазкур соҳадаги ўсиш суръати 37,7 фоизга етгани, 7,8 миллиард сўм нақд пул тушумига эришилгани шундан далолат беради.



***Мамлакатимизда қулай инвестициявий муҳит яратилгани, айниқса, транспорт инфратузилмасини модернизация қилишга хориж инвестициясини кенг жалб этиш имконини бераётир. “Тошвилтранстерминал” ассоциациясининг бевосита иштирокида масъулияти чекланган жамият шаклидаги “SUNJIN TVT EXPRESS” ва “EKO-STAR TVTT” Ўзбекистон — Корея Республикаси қўшма корхоналари ташкил этилгани бунга мисол бўла олади. Хусусан, хорижий корхонага айлантирилган “SUNJIN TVT EXPRESS” қўшма корхонаси Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган 18 та шинам автобус ёрдамида аҳолига “Тошкент — Самарқанд” ва “Тошкент — Янгиер” йўналишлари бўйича хизмат кўрсатиб келмоқда.***

Эндиликда чет эллик ҳамкорлар инвестицияси автостанциялар ва кемпинглар қуриш, “GPS” ҳамда видеокузатув тизимини жорий этиш, замонавий автобуслар харид қилишга қаратилган лойиҳаларга ҳам йўналтирилмоқда. Ҳозиргача “Тошкент” автобекатида бешта кузатув камераси, ўн иккита автобусга видеорегистратор мажмуаси, ўнта автобусга “GPS” тизими ўрнатилди. Модернизациялаш ишлари изчил давом эттирилиб, қолган йўналишлардаги бекат, автостанция ва автобуслар ҳам замонавий ускуналар билан босқичма-босқич жиҳозланади.

Маълумки, мамлакатимизда йўловчи ташишнинг такси тизими тобора ривожланиб бормоқда. Бу жараёнда “Тошвилтранстерминал” ассоциацияси ҳам фаол қатнашиб, “Шахсий автомобилда ташувчи тадбиркорлар ассоциацияси” нодавлат нотижорат бирлашмасини ташкил этишга кўмаклашаяпти.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда “Тошвилтранстерминал” ассоциацияси ўз фаолиятини тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этиб, “Йўловчи манфаати — ҳамиша устувор” шиори остида сифатли хизмат кўрсатган ҳолда, аҳолининг узоғини яқин, мушкулини осон қилишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

**Усмон УСМОНОВ**
**тайёрлади.**







## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2011 йил 12 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1841,57 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2751,78 |
| 1 Дания кронаси | 327,27 |
| 1 БАА дирҳами | 468,31 |
| 1 АҚШ доллари | 1719,97 |
| 1 Миср фунти | 288,97 |
| 1 Исландия кронаси | 14,78 |
| 1 Канада доллари | 1783,09 |
| 1 Хитой юани | 266,04 |
| 1 Россия рубли | 61,67 |
| 1 Украина гривнаси | 215,78 |
| 1 Малайзия ринггити | 572,75 |
| 1 Польша злотийси | 619,14 |
| 1 СДР | 2734,12 |
| 1 Туркия лираси | 1054,29 |
| 1 Швейцария франки | 2052,72 |
| 1 евро | 2478,85 |
| 10 Жанубий Корея вони | 16,24 |
| 10 Япония иенаси | 213,00 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Яхши хабар

# «Оқтош»нинг пишиқ ғиштлари

***Бахмал туманининг “Оқтош” қишлоқ фуқаролар йиғинида тадбиркор Холмурод Раҳматуллаев саъй-ҳаракати билан “Сирли Самар” корхонаси иш бошлади.***

Лойиҳа қиймати 250 миллион сўмлик бўлган ушбу корхонада бир кунда 100 минг донага яқин пишиқ ғишт ишлаб чиқарилмоқда. Корхонанинг 22 кишилик жамоаси шу пайтга қадар 200 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлаб, буюртмачиларга етказиб берди.

Эътиборли томони, туманда жорий йилнинг ўтган даврида салкам 15,0 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

**У. АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2011 ЙИЛ 11 ИЮНДАН 8 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2011 йил 18 майдаги 15, 11-сонли қарори.*

**2011 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2235 (2011 йил 20 июндан кучга киради).**

2. «Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2011 йил 17 майдаги 01/19-18/02-сонли қарори.*

**2011 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2236 (2011 йил 20 июндан кучга киради).**

3. «Шифокор рецептисиз сотиладиган дори воситаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 1 июндаги 156-сонли буйруғи.*

**2011 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2237 (2011 йил 20 июндан кучга киради).**

4. «Ўзбекистон Республикасининг берилган радиочастоталарини халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2011 йил 24 майдаги 10-ю-сонли буйруғи.*

**2011 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1397-1 (2011 йил 4 июлдан кучга киради).**

5. «Барча турдаги радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикасида қайта ишлаш (замонавийлаштириш), ишлаб чиқариш ва чет элдан олиб кириш учун радиочастота полосалари (номиналлар) ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2011 йил 24 майдаги 9-ю-сонли буйруғи.*

**2011 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1399-1 (2011 йил 4 июлдан кучга киради).**

6. «Радиочастота спектри мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2011 йил 24 майдаги 8-ю-сонли буйруғи.*

**2011 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1413-1 (2011 йил 4 июлдан кучга киради).**

7. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастота спектри ва радиоэлектрон воситалардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2011 йил 24 майдаги 7-ю-сонли буйруғи.*

**2011 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1531-2 (2011 йил 4 июлдан кучга киради).**

8. «Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 21 майдаги 16/5-сонли қарори.*

**2011 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1639-1 (2011 йил 4 июлдан кучга киради).**

9. «Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёш оилалар учун қурилган ёки реконструкция қилинган уй-жойларни харид қилиш учун ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 11 июндаги 17/1-сонли қарори.*

**2011 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1835-1 (2011 йил 8 июлдан кучга киради).**

10. «Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини аккредитация қилиш ва улар фаолияти устидан инспекция назоратини ўтказиш учун тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида» *«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғининг 2011 йил 22 июндаги 135-сонли буйруғи.*

**2011 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2105-1 (2011 йил 8 июлдан кучга киради).**

11. «Йўловчилар автовокзаллари, автостанциялари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2011 йил 13 майдаги 81-сонли буйруғи.*

**2011 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1305-2 (2011 йил 8 июлдан кучга киради).**

12. «Ҳаво транспортида йўловчи ва багаж ташиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2011 йил 11 апрелдаги 45-сонли буйруғи.*

**2011 йил 29 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2238 (2011 йил 9 июлдан кучга киради).**

13. «Энергетик ишлаб чиқариш корхоналарида ходимлар билан ишлашни ташкил этиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2011 йил 2 июндаги 9-сонли буйруғи.*

**2011 йил 29 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1178-2 (2011 йил 9 июлдан кучга киради).**

14. «Бактерияли ва вирусли препаратлар ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2011 йил 29 майдаги 29-Б-сонли буйруғи.*

**2011 йил 29 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2239 (2011 йил 9 июлдан кучга киради).**

15. «Автомототранспорт воситаларини хатлаш, бошқа шахсга беришни тақиқлаш ва тақиқни олиб ташлаш, шунингдек автомототранспорт воситаларини хатлаш ва бошқа шахсга беришни тақиқлаш тўғрисидаги маълумотларнинг ҳужжатлаштирилган банкини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2011 йил 31 майдаги 23, 3-сонли қарори.*

**2011 йил 29 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1589-1 (2011 йил 9 июлдан кучга киради).**

16. «Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2011 йил 31 майдаги 68-сонли буйруғи.*

**2011 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2240 (2011 йил 15 июлдан кучга киради).**

17. «Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун транспорт воситасининг салонида бўлиши шарт бўлган зарур тиббий ашёлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 22 июндаги 178-сонли буйруғи.*

**2011 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2241 (2011 йил 15 июлдан кучга киради).**

18. «Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва сотиш бўйича операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2011 йил 14 июндаги 35, 2011-20-сонли қарори.*

**2011 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1684-1 (2011 йил 15 июлдан кучга киради).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Шифокор рецептисиз сотиладиган дори воситаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ. *Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 2062, 2010 йил 13 январь).*

***Адлия вазирининг 2011 йил 10 июндаги 123-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

2. «Йўловчилар ва қўл юкини ҳаво транспортида ташиш умумий қоидалари (ЎзР АҚ 195)» Ўзбекистон Республикасининг авиацион қоидалари. *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1529, 2005 йил 5 декабрь).*

***Адлия вазирининг 2011 йил 29 июндаги 132-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

3. Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш ҳақида йўриқнома, 1 — 4-сон ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғи билан тасдиқланган (рўйхат рақами 933, 2000 йил 9 июнь), (рўйхат рақами 933-1, 2006 йил 21 ноябрь), (рўйхат рақами 933-2, 2007 йил 11 январь), (рўйхат рақами 933-4, 2008 йил 18 июнь).*

4. Ҳайдовчилик гувоҳномасига талон бериш ва алмаштириш тартиби тўғрисида йўриқнома, 1-сон ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғи билан тасдиқланган (рўйхат рақами 934, 2000 йил 9 июнь), (рўйхат рақами 934-1, 2007 йил 11 январь).*

***Адлия вазирининг 2011 йил 5 июлдаги 136-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**



# БЕТАКРОР САНЪАТ КОШОНАСИ

*Мустақиллик бизга ўзлигимизни, шанимизни ҳамда куч-қудратимизни бутун дунёга тараннум этиш имконини берди. Биргина пойтахтимизда кейинги йилларда бунёд этилган гўзал иншоотлар фикримизга яққол мисол бўла олади. Жумладан, шаҳарнинг қоқ марказида ёйсимон пештоқи олтита устунга таянган, икки ён томони қанот ёзган қушни эслатувчи Ўзбекистон давлат консерваториясининг янги биноси истиқлолнинг гўзал кошоналаридан биридир. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилган ушбу маҳобатли бино лойиҳаси халқаро талаблар даражасида мукаммал ва пухта ишланганлиги билан унутилмас таассурот қолдиради.*

Чунончи, товуш ўтмас эшикромлар ўрнатилиши натижасида хоналарда кечаётган машғулотлар бири-бирига халақит бермайди. Пол ва шиплар ҳам шовқин ютадиган мосламалар, махсус ашёлар билан муҳофазаланган.

— Бу бино умрбоқийлик, юксак бунёдкорлик намунаси сифатида неча-неча авлодлар ардоғида яшашига шубҳа йўқ, — дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори Дилоро Муродова. — Хориждан ташриф буюраётган меҳмонларимиз, аввало, таълим даргоҳимизнинг ҳусну тароватидан кўнгиллари яйрайди. Қолаверса, иқтидорли йигит-қизларимизнинг санъатига қойил қолишади, таъбир жоиз бўлса, улардан ўрганишади. Дарвоқе, талабаларимиз орасида халқаро танловларда ҳакамлик қилганлар ҳам бор.

Бу бежиз эмас. Консерваторияда бугунги кунда 6 та факультет, 24 та кафедра фаолият кўрсатаётир. Улар таркибида бакалавриат, магистратура, ассистент-стажёрлик, аспирантура ва малака ошириш босқичлари мавжуд. Таълим тизимида ўзбек миллий ижрочилиги билан бир қаторда, Европа классик йўналиши ҳамда замонавий технологиялар мутахассисликлари бўйича ҳам ўқитиш ташкил этилган. Ёшларга сабоқ бераётган ўқитувчилар орасида Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон халқ ҳофизи каби юксак рутбали санъаткорлар кўпчиликни ташкил этади.

— Дунёнинг ҳеч қайси давлатида ёш авлод таълим-тарбиясига, қолаверса, санъатга биздагидек эътибор қаратилмаса керак, — дейди Ўзбекистон халқ ҳофизи, Анъанавий ижрочилик кафедраси ўқитувчиси, доцент Маҳмуджон Тожибоев. — Яна бир гап. Мана шу бино билан унинг ичида янграётган ижролар ўртасида ҳамоҳанглик бор.

Ҳофиз ҳақ гапни айтди: ҳеч бир мамлакатда мусиқа санъатига бу қадар ғамхўрлик кўрсатилган эмас. Давлатимиз раҳбари томонидан 2002 йилда қабул қилинган “Тошкент давлат консерваториясини Ўзбекистон давлат консерваториясига айлантириш тўғрисида”ги Фармони миллий мусиқа санъатини янада ривожлантириш борасида муҳим асос бўлди. Эндиликда барча қулайликлар муҳайё этилган тўрт қаватли мазкур кенг ва муҳташам бинода тўртта концерт зали, 300 дан ортиқ ўқув ва лаборатория хоналари, шунингдек, тўртта спорт-соғломлаштириш мажмуаси жойлашган. Барча хоналар марказлашган иситиш-совитиш мосламалари билан таъминланган. Энг замонавий ускуна ва жиҳозлар ҳамда чолғу асбоблари билан таъминланган таълим даргоҳининг ўз овоз ёзиш студиялари, шунингдек, илмий тадқиқот маркази, Миллий чолғу асбоблар музейи, ”Мусиқа” нашриёти бор.

Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланаётган талабалар нафақат мамлакатимизда, қолаверса, дунёнинг турли давлатларида ўтказилаётган кўрик-танловларда иштирок этиб, ўз иқтидор ва қобилиятларини намойиш қилмоқдалар.

— 2008 йили Парижда ўтган халқаро танловда иштирок этгач, ўз олдимга шундай мақсад

**Истиқлол иншоотлари**

қўйдим: бир кунмас бир кун фортепьяно бўйича ўтказиладиган халқаро кўрик-танловда, албатта, ғолиб бўламан. Мен бу билан юртимиз шанини янада юксакларга кўтармоқчиман, — дейди “Камер мусиқа” факультети талабаси, Навоий стипендияси совриндори Васила Умарова.

Ҳар куни Ўзбекистон давлат консерваторияси ва унинг қошидаги академик лицейга мингдан ортиқ талаба ҳамда ўқувчи илм истаб келади, мусиқа санъатини ўрганишга интилади. Азиз ошёнда ўктам йигитлар ва барно қизлар тимсолида истиқболга интилаётган ёш авлоднинг мақсад-муддаолари мужассам.

— Бу даргоҳда сабоқ олиш катта бахт, — дейди “Шарқ мусиқаси” факультетининг биринчи босқич талабаси Шаҳноза Давлатова. — Бизда сабоқ олиш асносида ижод қилиш имконияти ҳам мавжуд. Ҳозир 20 ёшдамиз, тенгдошларимиз билан мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган концерт дастурини тайёрлаяпмиз...

Хуллас, истиқлол даврининг ушбу муҳташам кошонасида ёш санъаткорларнинг билим олишлари учун барча қулайлик ва шарт-шароит яратилган. Бу эса уларни янги марралар сари илҳомлантириши, шубҳасиз.

**Илҳом КАРОМОВ.**

# ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

***Япониянинг Кобе шаҳрида енгил атлетика бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси спортчилари битта олтин, иккита кумуш ва битта бронза медалини қўлга киритди.***

**Спорт**

Келаси йили Лондон шаҳри мезбонлик қиладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига муҳим рейтинг очколарини берувчи ушбу нуфузли мусобақада қитъамизнинг энг кучли енгил атлетикачилари медаллар учун кураш олиб борди.

Осиё чемпионатида энг яхши натижага тажрибали спортчимиз Гўзал Хуббиева эришди. У 100 метрга югуриш баҳсида масофани 11,39 сонияда забт этиб, маррага биринчи бўлиб етиб келди ва олтин медаль билан тақдирланди. Баландликка сакраш бўйича мусобақаларда қатнашган вакилимиз Светлана Радзивил хитойлик Синхуань Чжэн билан бир хил — 1,92 метр натижани кўрсатди. Аммо қўшимча кўрсаткичлар бўйича биринчи ўрин С. Чжэнга берилди. Ҳамюртимиз бу сафар кумуш медаль билан кифояланди. Шунингдек, юртдошимиз Валерия Канатова уч ҳатлаб сакрашда 14,14 метрлик натижани қўлга киритиб, терма жамоамизга иккинчи кумуш медални туҳфа этди. Яна бир спортчимиз Иван Зайцев эса найза улоқтириш беллашувида 79,22 метрлик кўрсаткич билан бронза медали соҳиби бўлди.

**У. ҲАКИМЖОНОВ.**


**• Реклама ва эълонлар •**



UZTRANSGAZ
JOINT-STOCK COMPANY AKSIADORLIK KOMPANIYASI

**«ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ**

*Ҳурматли юртдошлар!*

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги 283-Ф-сонли фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг 1 июнидан 1 октябрига қадар республика табиий газ истеъмолчилари тўлиқ хатловдан ўтказилмоқда.**

**Шу муносабат билан табиий газ бўйича қарздорликни хатловдан ўтказиш учун масъул бўлган ходимларга маҳалла фуқаролар йиғини билан келишилган ҳолда ўз вақтида амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламиз.**

754R/667


# БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ

Паркент тумани юртимизнинг сўлим гўшаларидан бири. Ўзининг бетакрор табиати, ноёб ўсимликлар олами, хушманзара гўшалари билан тилга тушган ушбу ҳудудда бири-биридан чиройли бир нечта болалар ёзги оромгоҳи бўлиб, айни кунда уларда минг нафардан зиёд фарзандларимиз ҳордиқ чиқармоқдалар.

— Бу йил ҳам болаларни соғломлаштириш, уларнинг бўш вақтини мароқли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз, — дейди таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Паркент тумани бирлашган қўмитаси раиси Зоҳид Собирхўжаев. — Мавсум олдидан мавжуд оромгоҳлар тўлиқ таъмирланиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Шунингдек, бир қатор мактаблар қошида кундузги оромгоҳлар ташкил этилиб, болаларнинг ёз мавсумини кўнгилли ўтказишлари, таътил давомида турли спорт мусобақалари, кўрик-танловларда иштирок этишлари учун имкониятлар яратилди.

**Таътил**

Оромгоҳларнинг спорт анжомлари, кўчма кутубхоналар билан тўлиқ таъминлангани ҳам мавсумнинг мароқли ўтишига хизмат қилаётир. Айни чоғда оромгоҳларда “Компьютер сабоқлари”, “Тасвирий санъат”, “Мусиқа” тўгараклари ишлаб турибди. Масалан, туманнинг Заркент қишлоғидаги 42-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган “Ситора” мавсумий оромгоҳини олиб қарайлик. Бу ерда ёз мавсумида 100 нафар ўқувчининг ҳордиқ чиқариши мўлжалланган. Ушбу масканнинг афзаллиги шундаки, болалар кун давомида турли тўгарак машғулотлари, спорт мусобақаларига қатнашадилар, шунингдек, тоғ ва ўрмонзорларга уюштириладиган саёҳатларда иштирок этишади. Кечқурун эса оиласи даврасига, ота-онаси бағрига қайтадилар.

— Ҳар йили мактабимиз қошида ёзги оромгоҳ ташкил этилади, — дейди 14-умумтаълим мактаби ўқувчиси Садафгул Рустамова. — Мен ва дугоналарим мириқиб дам олаяпмиз, турли тўгарак машғулотларида қатнашиб, хушманзара жойларга саёҳатлар уюштираяпмиз.

Шу кунларда жойларда мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Айниқса, ижодкорлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ва мушоиралар жуда мароқли бўлаётир.

Дарвоқе, туман тадбиркорларининг саъй-ҳаракатлари билан мазкур оромгоҳлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари — гўшт, сут ва мева-сабзавот билан мунтазам таъминлаб келинмоқда.

**Абдузуҳур ҚОРАБОЕВ.**
Тошкент вилояти

# ЖОНАЖОН ЮРТ МАДҲИ

***Мустақилликнинг илк йиллариданоқ, мамлакатимизда ёш иқтидорларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.***

**Тадбир**

Жиззахда куни кеча ўтказилган “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ҳам ана шу ғамхўрликнинг бир намунасидир. Унда танловнинг дастлабки босқичларида ғолибликни қўлга киритган 42 нафар яккахон ижрочи, 3 та бадиий жамоа қатнашди.

Яккахон ижрочилар орасида муваффақиятга эришган Б. Мўминов “Ватан” қўшиғи билан биринчи, Г. Хайруллина “Эътиқод” қўшиғи билан иккинчи ўринни эгаллади. Академик ва халқ бадиий жамоалар дирекцияси эса “Ватан қўллайди” деб номланган қўшиқ ижроси билан учинчи ўринга лойиқ топилди. Ғолиблар танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритдилар.

Шунингдек, тадбир доирасида вилоят марказидаги Мустақиллик майдонида “Меҳринг билан яшайман, Ватан!” деб номланган мусиқий дастур намойиш этилди.

**Озода БУРҲОНОВА.**

# ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИ

## Уларда аҳолига сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

***“...Биз ишлаган даврларда шифо масканларини хорижнинг тиббий жиҳозлари билан таъминлаш, қишлоқ шифохонасида тезкорлик билан аниқ ташхис қўйишнинг имкони бўлмаган эди. Мана, масалан, Балиқчи туманидаги Олимбек қишлоғида етти минг нафар аҳолига кичкина фельдшерлик пункти хизмат кўрсатарди. Бирор кимнинг тана ҳарорати кўтарилиб, боши айлангудай бўлса, йигирма чақирим йўл босиб, марказдаги шифохонага югурардик. Бугун эса ҳаммаси ўзгарди. Шифохона уйимизга туташ. Малакали мутахассислар, замонавий лаборатория ускуналарию ташхис жиҳозлари билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктлари беморлар жонига оро кирмоқда. Бу, албатта, юртимизда тиббиёт ривожи йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, хайрли ишлар самарасидир”.***

Кўп йиллар соғлиқни сақлаш тизимида меҳнат қилган тажрибали шифокор Раҳимберди Исомиддинов ушбу сўзларни davраларда бот-бот такрорлайди. У юртимизда аҳоли саломатлиги, айниқса, ёш авлоднинг маънан ва жисмонан баркамол бўлиб вояга етишини таъминлаш борасидаги хайрли ишлардан бениҳоя мамнун. Унинг фикрича, айнан шундай ғамхўрлик самараси ўлароқ, кенг жамоатчиликнинг тиббий маданият даражаси тобора юксалиб бормоқда. Зеро, кейинги йилларда энг олис қишлоқларда ҳам аввалги пана-пасқам, нимқоронғи амбулаториялар ўрнида замонавий қулайликларга эга бўлган муҳташам ҚВПлар барпо этилиб, уларга малакали шифокорлар, билимли мутахассислар жалб қилинди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда биргина Олимбек қишлоғининг ўзида 4 та ҚВП фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг моддий-техник базаси йилдан-йилга яхшиланиб бораётир. Шунингдек, тумандаги 27 та ҚВПнинг барчаси “Саломатлик-2” лойиҳаси асосида 424 миллион сўмлик энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Бюджет маблағлари ва ҳомийлар кўмаги билан таъмирдан чиқарилган ҳамда замонавий кўриниш касб этган ушбу шифо масканларига тоза ичимлик суви, иссиқлик тармоғи, табиий газ кириб борди. Бу каби қулайликлар дардига дармон истаб келган юзлаб одамларнинг хасталикдан фориғ бўлишига хизмат қилмоқда.

**Саломатлик**

Кейинги йилларда Пахтаободнинг Учкўза, Уйғурobод, Ёлғизбоғ, Бўстон қишлоқларида ҳам аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган ана шундай ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 26 та ҚВПнинг аксарияти учун замон талабларига жавоб берадиган муҳташам бинолар барпо этилди. Уларнинг барчаси “Саломатлик-2” лойиҳаси доирасида энг илғор асбоб-анжомлар билан таъминланди. Туман марказий шифохонасининг туғуруқ мажмуаси капитал таъмирдан чиқарилди.

Хуллас, бугунги кунда вилоятнинг қай бир гўшасида бўлманг, хайрли ишларнинг гувоҳига айланасиз. Хўжаобод, Марҳамат, Булоқбоши туманларида фаолият кўрсатаётган 341 ҚВПнинг 95 таси ягона лойиҳа асосида, 246 таси тайёр биноларни реконструкция қилиб, мослаштириш ҳисобига бунёд этилгани ҳам шундан далолат бериб турибди. Уларнинг барчаси “Саломатлик-2” лойиҳаси доирасида илғор тиббиёт жиҳозлари билан таъминлангани, айниқса, эътиборлидир. Биргина жорий йилнинг биринчи чорагида 15 та ҚВП ҳамда туманлардаги тиббиёт бирлашмаларига 43 та стоматологик жамланмалар олиб келинди. Айни чоғда 51 ҚВП замонавий автоклавлар билан таъминланди. Муҳими, бундай эзгу юмушлар ҳар бир туману қишлоқда изчиллик билан давом эттирилмоқда.

**Ш. ОДИЛЖОНОВ.**



# Дўппилар кўргазмаси

***Урганч шаҳрида “Дўппи тикдим, ипаклари тиллодан” анъанавий кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.***

**Танлов**

Унда қуйи босқичларда муваффақият қозонган 48 нафар ҳунарманд хотин-қиз ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Миллий ҳунармандчилигимизни қайта тиклашда катта аҳамият касб этаётган ушбу тадбир якунида Урганч туманилик уста-шогирд Орзигул Саидова ва Ойдиной Абдушарипова ғолибликни қўлга киритди.

Тадбир доирасида қадимий ва замонавий дўппилар кўргазмаси ҳам намойиш этилди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОБ-ҲАВО

**(12 июль)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво бир оз булутли бўлади, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 21-26, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 21-26, кундузи 39-44 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво бир оз булутли бўлади, баъзи жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 21-26, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 21-26, кундузи 39-44 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 23-25, кундузи 40-42 даража иссиқ бўлади.

**Республикамизнинг тоғли туманлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 14-19, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


Тошкент молия институти ректорати ва касаба уюшмаси институт ректори Алишер Васиқович Ваҳобовга волидаи муҳтарамаси
**КИМЁХОН аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Саноатгеоконтехназорат” Давлат инспекциясининг жамоаси Давлат инспекцияси газ хўжалигидан хавфсиз фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси бошлиғи муовини Абдусаттор Икромовга волидаи муҳтарамаси
**МОВЖУДА аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

“Kafolat” davlat-aksiyadorlik sug`urta kompaniyasi (OAJ) жамоаси компания дирекцияси менежер ассистенти Азиза Собировага турмуш ўртоғи
**Абдуғофур СОБИРОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзнефтмаҳсулот” акциядорлик компанияси жамоаси компания ходимлари Махсуда Ўрмонова ва Моҳида Ғафуровага падари бузруквори
**Рихсибой ЎРМОНОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти жамоаси енгил автомобилларда ташишни ташкил этиш бўлими бошлиғи Миржалил Абдуллаевга волидаи муҳтарамаси
**Жамила АБДУЛЛАЕВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 51824 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.15 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5